

Алоҳида тоифадаги ишларни тааллуқлилиқ масаласи

Процессуал қонунчиликка кўра, иқтисодиёт соҳасида ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларини аниқлаш тўғрисидаги ишларнинг умумий юрисдикция ёки хўжалиқ судларига тааллуқлилиги муҳим аҳамият касб этади. Мазкур тоифадаги ишларнинг хўжалиқ ёки умумий юрисдикция судларига тааллуқлилигини ажратиш 2 та мезон асосида амалга оширилади:

1) юридик аҳамиятга эга бўлган фактни аниқлаш тўғрисида судга мурожаат қилиш субъектига қараб;

2) аниқланаётган фактнинг характериға кўра.

Ушбу тоифадаги ишларнинг субъектиға юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар кирса, аниқланаётган фактнинг характери – тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолиятида намоён бўлади.

Хўжалиқ судларига тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолиятда ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир. Юридик аҳамиятга эга фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишларда ҳуқуқ тўғрисида низо бўлмаса, алоҳида тартибдаги иш юритувда кўриб чиқилади. Агар ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиқса даъволи тартибда кўриб чиқилади. Бундай иш юритувда суд юридик аҳамиятга эга бўлган фактни мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлайди ва бир вақтнинг ўзида даъвогар ва жавобгарларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тўғрисидаги масалани ҳал этади.

В.М.Жуйков агарда юридик аҳамиятга эга бўлган фактни аниқлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишнинг судгача ҳал этиш тартиби белгиланган бўлса-ю, ташкилот ёки якка тартибдаги тадбиркорларга бундай фактларни аниқлаш рад этилган тақдирда масала қандай ҳал этилиши тўғрисида тўхталиб ўтади. Бошқача қилиб айтганда, ташкилот ёки якка тартибдаги тадбиркор бундай ҳолатда мазкур фактларни аниқлашни сўраб хўжалиқ судига ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўла олиш ҳолатлари назарда тутилади.¹ Юридик аҳамиятга эга фактларни аниқлаш субъектив ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усулларида бири бўлиб, ташкилотлар ва якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти соҳасида ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш учун зарурдир.

Конституция ҳар бир фуқарога ўз ҳуқуқ ва эркинликларини судда ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Демак, ташкилотлар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ҳеч қандай чекловларсиз ўзининг тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолиятини амалга оширишдаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб хўжалиқ судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Суддан ташқари юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш рад этилган тақдирда ҳам судга мурожаат қилиш ҳуқуқи чекланмайди.

* ЎзМУ “Ҳуқуқшунослик” факультети “Фуқаролик процесси” кафедраси доценти

¹ Комментарий к Арбитражному процессуальному кодексу Российской Федерации. / Г.А.Жилиннинг умумий таҳрири остида. – М.: 2003. ООО ТК Велби, - 65 б.

Хўжалик судлов ишларини юритишда иқтисодиёт соҳасида фуқаролар ташкилотларнинг субъектив ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш белгиланган. Асосан бузилган ва низолашилаётган ҳуқуқлар даъволи тартибда иш юритув орқали ҳимоя қилинади. Лекин айрим ҳолатларда баъзи ҳуқуқлар ҳеч ким томонидан бузилмайди ва низолашилмайди, улар фақат айрим ҳолатларга кўра аниқланмаган бўлганлиги сабабли суд томонидан ҳимоя қилинишига эҳтиёж сезади. Бу ҳолатда манфаатдор шахсларда у ёки бу юридик фактни хўжалик судлов ишларини юритиш тартибда белгиланишига зарурият сезади. Яъни фуқаро ёки ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми, унинг мулки ва бошқа ҳолатлари аниқланади, чунки улар маълум бир ҳуқуқий оқибатлар билан алоқадордир. Шунинг учун ҳам мазкур тоифадаги ишларда ҳуқуқ тўғрисидаги низо бўлмаганлиги сабабли қонунчилик уларга нисбатан алоҳида тартибда иш юритиш қоидаларини ўрнатган.

Мазкур турдаги иш юритув қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

- 1) ҳуқуқ тўғрисидаги низонинг мавжуд эмаслиги (бунда бир шахснинг бошқа шахсга нисбатан моддий-ҳуқуқий талаби мавжуд бўлмайди);
- 2) ўртасида низо келиб чиқувчи тарафларнинг мавжуд эмаслиги, яъни даъвогар ва жавобгар.

Алоҳида тоифада иш юритиш хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилади ва ҳал этилади, яъни бунда Хўжалик процессуал кодексининг 20-бобида белгиланган унга хос хусусиятлар инобатга олинади. Мазкур иш юритувда даъвони тан олиш, даъво талабларини кўпайтириш ёки камайитириш, келишув битими тузиш каби ҳуқуқий институтлар қўлланилмайди. Агарда алоҳида тартибда ариза бериш ёки ишни кўриш жараёнида ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиқса, хўжалик суди даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради ва манфаатдор шахсларга ҳуқуқ тўғрисидаги низони даъволи тартибда мурожаат қилиши мумкинлигини тушунтиради. Алоҳида тартибда иш юритуви ҳам бошқа хўжалик судлов ишларини юритиш тартиби билан ўзаро алоқадор бўлиб, унда ҳам бошқа ишлар каби хўжалик процессининг умумий тамойилларига асосланган ҳолда ишни кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг қоидаларига риоя қилинади.

Шундай қилиб, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларга аниқлаш тўғрисидаги ишларни юритишда одил судловни амалга ошириш, судьяларнинг мустақиллиги, ошкоралик каби тамойиллар татбиқ этилади. Суд муҳокамаси босқичида ошкоралик ва бевоситалик тамойиллари қўлланилади. Лекин тарафлар бўлмаганлиги сабабли тортишувчилик тамойили даъволи тартибда иш юритувга қараганда кам даражада қўлланилади.

Хўжалик процессуал кодексининг 24-моддасига кўра, хўжалик судларига иқтисодиёт соҳасида ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни исботлаш предметига

куйидагилар киради:

- ариза берувчидан у аниқлашни сўраётган фактдан кўзланган мақсадни кўрсатиш талаб этилади, яъни ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи фактларнинг натижаси;

- мазкур юридик фактларни аниқлаш натижасида фуқаролар ва ташкилотларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилишининг оқибати. Алоҳида тартибда аниқланадиган фактларнинг аҳамияти моддий ҳуқуқ билан аниқланади, бу ҳолатда иш юзасидан ким манфаатдор шахс деб тан олинishi тўғрисидаги масала ҳал этилади.

- ҳуқуқ тўғрисидаги низонинг мавжуд эмаслиги;

- мазкур ҳужжатларнинг суд тартибидан бошқача тартибда олиш имкониятининг мавжуд эмаслиги;

- мазкур фактни аниқлашнинг бошқача тартиби мавжуд эмаслиги;

- юридик фактни аниқлашдан ҳуқуқий мақсаднинг мавжудлиги.

Агар ариза берувчи юридик аҳамиятга эга бўлган бир неча фактларни аниқлаш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган бўлса, аризалар бирлаштирилиб кўрилиши мумкин.

Хўжалик суди юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни тасдиқлаш тўғрисидаги аризаларни, агар аниқланаётган факт ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарса, айтайлик юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолиятидан келиб чиқадиган ҳуқуқларни вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилишга олиб келадиган ҳолатда ўз иш юритувига қабул қилиш ва кўриб чиқиш ҳуқуқига эга. Агар факт ҳеч қандай ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармаса, яъни юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолиятидаги ҳуқуқларини вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилинишига олиб келмаса судья аризани қабул қилишни рад қилиши мумкин. Агар бу турдаги аризалар хўжалик суди томонидан нотўғри иш юритувга қабул қилиниб, у юзасидан суд муҳокамаси бошланган бўлса судья иш юритувни тугатиши лозим.

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишларда тарафлар бўлмаганлиги сабабли судга мурожаат қилган шахс аризачи деб аталади.

Судларда юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар алоҳида жавобгарга нисбатан даъво тақдим этиш билан эмас, балки юридик аҳамиятга эга бўлган у ёки бу ҳолатни тасдиқлаш тўғрисида илтимоснома-ариза билан қўзғатилади.

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ариза аризачининг жойлашган ёки турар жойидаги хўжалик судига тақдим этилади.

Хўжалик судларига банкротлик тўғрисидаги ишлар ҳам тааллуқлидир.

Банкротлик тўғрисидаги иш “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг (органнинг) аризаси асосида қарздор жойлашган ердаги (яшаш жойидаги) хўжалик суди томонидан қўзғатилади.

Қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида назарда тутилган қоидалар бўйича, “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунда белгиланган ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Банкротлик тўғрисидаги ишда қуйидагилар иштирок этувчи шахслар деб ҳисобланади:

қарздор;

суд бошқарувчиси;

кредиторлар, улар томонидан қарздорга “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунда белгиланган тартибда талаблар тақдим этилган пайтдан эътиборан;

банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи;

банкротлик тўғрисидаги иш прокурорнинг аризаси асосида кўрилатган ҳолларда, прокурор.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда банкротлик тўғрисидаги ишда қарздорнинг ходимлари вакили, қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) вакили ёки қарздорнинг мол-мулки эгаси, қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг вакили, кредиторлар йиғилиши (кредиторлар кўмитаси) вакили ҳамда бошқа шахслар иштирок этишлари мумкин.

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш ва банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ёки аризани қабул қилишни рад этиш ёхуд қайтариш тўғрисидаги масалани судья ариза тушган пайтдан эътиборан беш кундан кечиктирмай ҳал этади.

Судья қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси ва “Банкротлик тўғрисида”ги Қонун талабларига риоя этилган ҳолда берилган аризани ўз иш юритишига қабул қилади.

Судья қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритишига қабул қилар экан, кузатувни жорий этиш ва муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш ва банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақидаги ажрим хўжалик суди томонидан давлат солиқ хизмати органларига ва бошқа ваколатли органларга, қарздор жойлашган ердаги (яшаш жойидаги) суд ижрочисига юборилади. Қарздор юридик шахснинг ўзига нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ажримнинг нусхасини ўзининг ваколатхоналари ва филиаллари жойлашган ердаги шундай шахсларга (органларга) юбориш мажбурияти унинг ўзига юклатилади.

Агар “Банкротлик тўғрисида”ги Қонун 5-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган шарт бузилган бўлса, судья қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этади.

Агар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуннинг 37-44-моддаларида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаса, судья аризани қайтаради. Ариза билан мурожаат этиш қарздорнинг раҳбари учун мажбурий бўлган ва аризага “Банкротлик

тўғрисида”ги Қонуннинг 38-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилинмаган ҳолларда бундай ариза хўжалик суди томонидан қабул қилинади, етишмаётган ҳужжатлар эса банкротлик тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тартибида талаб қилиб олинади.

Банкротлик тўғрисидаги иш хўжалик судининг мажлисида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза иш юритишга қабул қилинганлиги ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилиши лозим. Банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш алоҳида ҳолларда икки ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди қуйидаги суд ҳужжатларидан бирини қабул қилади:

қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги қарор;

қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарор;

суд санациясини жорий этиш ва унинг муддатини узайтириш тўғрисидаги ажрим;

ташқи бошқарувни жорий этиш ва унинг муддатини узайтириш тўғрисидаги ажрим;

банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажрим;

қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани кўрмасдан қолдириш ҳақидаги ажрим;

келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим.

Банкротлик тўғрисидаги иш бўйича суд ҳужжатлари, агар “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, дарҳол ижро этилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, хўжалик судлари иқтисодиёт соҳасида фуқаролик, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда одил судловни амалга оширувчи орган ҳисобланади. Хўжалик судларига тааллуқли нормаларнинг аниқ мезонларга асосан ишлаб чиқилганлиги келгусида бу борада келиб чиқадиган муаммоларни олдини олишнинг воситаси бўлиб хизмат қилади.